

ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАЛАРИДА ЮҚОРИ ИФЛОСЛИКДАГИ
ПАХТАНИ ТОЗАЛАШ САМАРАДОРЛИГИ ТАХЛИЛИ.

Пиназаров Асадбек Абдубоқи ўғли

Аннотация: Мақолада бугунги кунда пахта тозалаш корхоналарида машинада терилгап пахтани қайта ишлеш натижалари тахлиллари келтирилген.

Аннотация: В статье представлен анализ результатов машинной сборанной хлопка на хлопкоочистительных машинах на сегодняшний день.

Annotation: The article presents an analysis of the results of machine cotton picking on cotton gins to date.

Пахта тозалаш саноатида энг долзарб масалалардан бири маҳсулот ишлаб чиқаришда харажатларни камайтириш, уни сифатини ва дунё бозорида рақобатбордошлигини оширишдан иборатдир. Пахта тозалаш корхоналарини ишлаб чиқариш фаолиятини тахлили, тола ишлаб чиқариш учун сарфланаётган харажатларни бир-биридан фарқи жуда катта эканлигини қўрсатмоқда. Айниқса, электр энергия сарфини фарки бир неча баробар, ишлаб чиқарилган тола синфида эса сезиларли даражада эканлиги корхоналарни технологик ускуналардан фойдаланиш самарадорлиги турлича эканлигидан далолат бермоқда.

Маълумки, яқин йилларда пахтани машинада теришга тўлиқ ўтиш кўзда тутилган бўлиб, уни ҳажми ошиши пахтани тозалаш муаммосини ўта мураккаб даражага кўтаради. Чунки, машинада терилгап пахтани ифлослиги кўлда терилганга нисбатан сезиларли даражада юқори, тола билан кучлироқ боғланишда бўлади [1].

Муаммони мураккаблигини яна бир томони шундан иборатки, ҳозирда пахта тозалаш корхоналарида майда ва йирик ифлосликлардан тозалаш ускуналарида пахтани тозалашлар сони максимал даражада бўлиб, уни қўшимча тозалагичлар ўрнатиб тозалаш самарадорлигини ошириш, толада нуқсонли аралашмаларни кескин ошишига олиб келади. Шу сабабли пахтани тозалаш самарадорлигини унга қўшимча механик таъсир қўрсатмасдан амалга ошириш лозим. Пахта тозалаш ускуналарини ишлаб чиқарувчи давлатлар (АҚШ, Хитой)да тайёрланган тозалагичларни республикамиз пахта тозалаш кархоналарида (Жума, Ўзбекистон, Чиноз, Андижон-1) ишлаташ тажрибаси, уларни мавжуд қийин тозаланувчи

селекция навларини тозалаш самарадорлиги етарли эмаслигини кўрсатди. Машинада терилган пахтани Тошкент ва Сирдарё вилоятида қайта ишлаш натижалари куйидагиларни кўрсатди. Машинада терилган пахтани ифлослиги асосан 10% дан 20% гача, намлиги 11% дан 22% гача бўлиши аникланди. Юқоридаги 1-жадвалда машинада терилган пахталарни қайта ишлаш натижалари келтирилган.

1-жадвал

Пахтани тозалаш корхоналарида машинада терилган пахтани қайта ишлаш натижалари

/Р	Селекция саноат нави	Пахта						Тозалаш самарадорлиги, %	Тола			Чигитдаги коллдик толадорлик, %			
		намлиги		Ифлослиг и					намлиги, %		Синфи				
		Б ошл.	Ж инда	Б ошл.	Ж инда				намлиги						
	C 6524 1/2	9 .0	8. 4	9 .7	2. 5			4.2	.4	.6	1 оддий	.11			
	C 6524 1/2	1 1.2	8. 3	9 .7	2. 6			3.2	.5	.7	1 ифлос	.13			
	C 6524 1/2	1 1.2	8. 6	9 .0	2. 5			6.7	.3	.6	1 ифлос	.12			
	C 6524 3/2	1 6.4	11 .1	1 1.2	2. 7			5.9	.1	.4	3 оддий	.13			
	C 6524 2/2	1 2.1	10 .6	9 .6	2. 2			7.1	.2	.2	2 оддий	.11			
	C 6524 4/3	1 4.5	10 .5	1 6.4	3. 4			9.3	.1	.4	4 ифлос	.11			
	C 6524 5/3	1 9.0	11 .9	1 7.4	4. 2			5.9	.4	1.0	4 ифлос	.14			

	C 6524 5/3	1 7.8	11 .2	1 6.8	3. 9	6.8 1	.5 .9		5 ифлос		.13
	C 6524 5/3	1 5.1	10 .3	1 5.8	3. 7	6.6 1	.4 .4		5 ифлос		.13

Жадвални таҳлили қуидагиларни кўрсатди. Пахтани жиндаги намлиги ва ифлослиги технологик регламент талаблари 8-9 % дан юқори бўлиб, уни қуритиш етарли амалга оширилмаётганлигини кўрсатади.

Пахтани тозалаш самарадорлиги паст бўлиб уни бошланғич ифлослиги 9,0 % дан 17,4 % гача бўлганда 73,2 % дан 79,3 % гача бўлиб, натижада пахтани жин тарновидаги ифлослиги технологик регламент талабларидан юқори бўлмоқда. Ушбу камчиликлар толадаги ифлослик ва нуқсонли арлашмалар миқдорини юқори бўлишига, уни синфини эса пасайиб факат “оддий” ва “ифлос” бўлишига олиб келмоқда.

Ушбу холат ҳар бир тонна толани харид нархини 11,5 % дан 14 % гача паст бўлишига олиб келади. Бу албатта жуда катта иқтисодий зиён хисобланади. Тола синfiga, жин усқунасида пахта ифлослигига қўйилган технологик регламент талабларини таҳлили машинада терилган пахтани пахта тозалаш корхоналарида тозалаш самарадорлиги 90-95 % гача бўлишини тақозо этади. Шундай экан, жадвалда келтирилган маълумотлардан аниқ бўладики, пахтани яна қўшимча 15-20 % тозаланса кутилган сифатли ва синфли тола олиш мумкин бўлади. Ушбу таҳлиллардан келиб чиқсан ҳолда қуритиш барабани 2СБ-10 ни ўзгартириб, унга тозалаш секциясини қўшиб пахтани тозалаш самарадорлигини 20-30 % га ошириш таклифини киритамиз. Қуритиш барабанида пахтага ортиқча механик таъсир кўрсатмасдан тозалаш жараёни амалга оширилади. Маълумки, қуритиш барабанида пахтани тозалаш таклифи бўлиб СБО қуритиш барабани яратилган ва унда тозалаш секциясида пахта 20 % гача тозаланган. СБО қуритиш барабанида пахтани тозалаш тажрибаси, уни ишлатишга бир қатор қийинчиликлар юзага келишини кўрсатди [2,3].

Жумладан, толали массани тўрли юзага ёпишиб қолиш, ёнгин чиқсан холатда ёки ифлослик шнегида тикилиш юзага келганда уларни тозалаш ўта муракқаблиги, барабанни барқарор ишлашини таъминлай олмади. Ушбу камчиликларни инобатга олган ҳолда 2СБ-10 барабани ўзгартирилиб тозалаш секцияси ўрнатилди ва ажралган ифлосликни узатишни самарали

усули яратилди. Дастьлабки ўтказилган тажрибалар қуритиш барабанида қуритиш ва тозалашни самарали амалга ошириш мумкинлигини кўрсатди.

Машинада терилган пахтани пахта тозалаш корхоналарида тозалаш самарадорлигини таҳлили етарли эмаслиги туфайли ишлаб чиқарилаётган тола синфи пастлиги аниқланди. Юқори сифатли тола олиш учун пахтани қўшимча 15-20 % тозалаш эҳтиёжи мавжудлиги кўрсатилди. Қуритиш барабанида пахтани қўшимча тозалаш учун уни такомиллаштириш таклифи берилди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Агзамов М. Будин Е.Ф. Влияние количества колосников на эффективность очистки хлопка-сырца . Хлопковая промышленность. №2 1983. с. 6-8.
2. Усманов Х.С. Аббазов И.З. Долиев А.Т. “Вопросы теории очистки хлопка от мелкого сора” ТТЕСИ. Республика илмий-амалий анжумани 1-шуба Тошкент 2019 й. с. 39
3. Парпиев А.П. Рахматов F. “Пахтани тозалашга таъсир этувчи омиллар таҳлили” ТТЕСИ. ФарДУ Республика илмий-амалий анжумани 1-шуба Тошкент 2019 й. с. 45